

## ОҲАНГАРОНДА ШУНДАЙ ОИЛА БОР...



Оила йили муносабати билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган «Энг намунали оила» Республика курик танловида Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги «Бўстон» маҳалласидан Худоевлар оиласи фахрли иккинчи уринни эгаллашди.

Ушбу оила ҳақидаги материал билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз.

М.МИРСОДИҚОВ олган сурат

УШБУ  
СОҶДА

ЕРДАН ЧИҚСАНГ  
ҲАМ, ЭЛДАН  
ЧИҚМА!

2

СИЗГА УХШАГИМ  
КЕЛАДИ,  
ОНАЖОН!

3

ЎТАЙЛИК  
ТОШИ  
ОҒИР

4

КЕЙИНГИ  
ПУШАЙМОН...

5

«ДИЛОЗОРДАН  
ХУДО БЕЗОР»

6

ТУЗ, ЙОД  
ВА...

7

Эҳ, МУҲАББАТ,  
МУҲАББАТ

8

УШБУ  
СОҶДА

## ЕРДАН ЧИҚСАНГ ҲАМ, ЭЛДАН ЧИҚМА!

Хуррият ва озодлик эпкинлари эсавтган юртимизда миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз қайта тикланмоқда. Бир сўз билан айтганда, халқимиз тобора узлиқни англаш сари интиломда. Бу жараён энг аввало кишиларнинг онгу шуурида намён бўлмоқда. Қолаверса, кундалик турмушда ҳам уз аксини топапти, десак ҳато қилмаймиз. Хусусан, юртимизда тўй-ҳашамлар, турли хил маракаю маросимлар ихчам ва кам чиқиб қилиб ўтказилмоқда. Аввалгидек ортиқча сарф-харажатлар ҳамда исрофгарчиликларга йўл қўйилмапти. Чунки бозор иқтисодиёти одамларни аниқ ҳисоб-китоб асосида иш юритишга, муҳимни номўҳимдан ажратишга ургатмоқда. Бугун ҳар биримиз бормизини тежаб-терғашга, йўғимизни эса бунёд этишга одатланганмиз. Турмуш тарзимиз шу алфозда кечайгани рост.

Бирок, беш бармоқ баробар эмас. Шюли курмаксиз бўлмаганидек, халқ ичида пайгамбарлар курмаган тўй-ҳашам-

ларни қилаётган кимсалар ҳам оз бўлсада учраб туради. Улар эл-юртнинг урф-одати ва удумларини менсимган ҳолда осмонупар иморатлар қуриб, қуша-қуша машиналар сотиб олмоқдалар. Оддий туғилган кундан тортиб оилавий тўй-ҳашамларни ҳам уга кетган шухратпарастлик, дабдабазолик билан ўтказишяпти. Энг ачирлики катта исрофгарчиликка йўл қўйишмоқда. Айниқса, масъул лавозимларда ишлайётганлар орасида ана шу тоифадаги кимсаларнинг борлиги кечиб бўлмас ҳолдир. Сир эмас, айрим раҳбарлар шахсий манфаатларини халқ манфаатидан устун қўйиб, ҳаттоки, бу йўлда эгалаб турган давлат лавозимини суистеъмол қилишгача бориб етисапти. Бундай салбий ҳолатларнинг энг аввало раҳбарлик шаъни ва обрусига путур етказиши турган гап. Бундан ташқари халқнинг ҳамиятига оғир ботаётгани ҳам аини ҳақиқат.

**Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «М. Я. Қуроловни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўми-**

**таси раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисида»ги Фармони айнан шу иллатга қарши ўз вақтида берилган кучли зарба бўлди. Шу боис ушбу Фармон кенг жамоатчилик томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда.**

Пайгамбаримизнинг муқаддас ҳадисларида ёзилишича, янги иморат солган киши уни қўшнисиникидан банд қилиб юбормаслиги керак. Агар тиклаган иморатнинг сояси қўшникига тушиб қолса гуноҳи азим ҳисобланади. Шунингдек, бой-бадавлат одамнинг ҳар қуни янги либос кийиб қуни-қўшнисига қуриниши ҳам яхшилик аломати эмас. Бундан камбағал қўшнинг дили оғриши мумкин. Демак, киши ҳар қандай мансабда ишладан қатъий назар эл қатори яшагани дуруст. Қолаверса, мансаб курсида утирган айрим раҳбарларга халқимизнинг: «Ердан чиқсанг ҳам, элдан чиқма!», — деган нақлини эслатиш жоиз деб уйлаймиз.

**Комил ТОШ**

Утган ҳафта Ватанимиз учун юлдузли онларга бой бўлди. Инсоният тараққиётида ўзининг оламшумул кашфиётлари билан, беқиёс тафаккур қудрати билан сезиларли из қолдирган икки буюк ватандошимизнинг таваллуд тўйлари катта тантана, зур кувонч билан нишонланди.

Ислоом оламининг буюк мутафакки-

ват қилинди.

Президент Ислоом Каримов журналистларга интервью берди. Жумладан, у шундай деди:

— Ҳар қандай инсон орзу-умид билан яшайди. Шу маънода ушбу мажмуани янгида қуриш, алломанинг илмий меросини урганиш, унга ҳурмат бажо келтириш ҳам биз учун катта орзу эди. Уйлайманки, мана шундай обод ва озод юртни қурганда, нафақат катта ёшдаги кишилар, балки ёш авлод ҳам янги куч-қувват олади, гурурланади. Бундай ажойиб ёдгорлик айнан шу замонда мустақиллик шарофати тўғрисида бунёд этилганини англайди, тегаран ҳис этади...

Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тантаналари «Аҳмад ал-Фарғоний

ри, ҳадис илми султони Имом ал-Бухорий таваллуд муносабати билан қадим Самарқандга жаҳоннинг қирққа яқин мамлакатидан ЮНЕСКО, Ал-Баътийн жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлардан меҳмонлар ташриф буюрди.

«Афросиёб» меҳмонхонасининг мажлис заллида «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида турган ўрни» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов юбилей тантаналарида иштирок этиш учун Самарқандга ташриф буюрди.

Имом ал-Бухорий мажмуи жойлашган Челақ туманидаги Ҳартағ қишлоғида Масжид-мажмуа очилиши муносабати билан хайр-эхсон оши берилди. Мумин-мусулмонлар жума номозини ўқидилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов нутқ сузлади.

Тантанали маросим якунланганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов ва бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар мақбара мажмуини зиёрат қилишди.

Аллома қабри ёнида Қуръон тило-

илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида турган ўрни» мавзусидаги халқаро илмий конференцияси билан бошланди. Қирққа яқин хорижий мамлакатдан ташриф буюрган олимлар аллома илмий кашфиётлари Шарқ Уйғонилишининг ибтидоси бўлганлигини таъкидлашди.

Мамлакатимиз Президентини Ислоом Каримов тантаналарида иштирок этиш учун Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Фарғона шаҳридаги аллома номи билан аталувчи оромгоҳда Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилиш маросими бўлди. Республика Президентини Ислоом Каримов нутқ сузлади.

— Бугун ал-Фарғоний бобомизнинг тўйини нишонлар эканмиз, у қолдирган меросининг оламшумул аҳамияти ҳақида сузлар эканмиз, биз Фарғоний заминига, Қува тупроғига, шу ерда утган одамларнинг руҳи олдида ва бугун яшаётган авлодлар қаршисида таъзим қилимиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу кунги кечқурун ал-Фарғоний таваллуд тўйига бағишланган театр-лашган томоша бошланди.

## ВАТАНИМИЗНИНГ ЮЛДУЗЛИ ОНЛАРИ

**Республикамизда икки буюк аллома Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний юбилейлари тантанали нишонланди**

## ДИҚҚАТ! ЯНГИ РУКН: ХУКУК ДАРСХОНАСИ ОИЛА КОДЕКСИНИ УРГАНАМИЗ

Оила кодекси дейилганда, оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган қондалар йиғиндиси тушунилади. У жамиятда мумкин бўлган муносабатларни, хатти-ҳаракатларни тартибга солишга қаратилган қондалар тўпламидан иборат. Оила кодекси турдош аломатлардан таркиб топган ҳуқуқий қондалардан ташкил бўлган яхлит қонундир. Кодекс атамаси лотин тилидан олинган бўлиб, у ўз мазмуни ва моҳиятига қура бир хил тоифадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ва маълум тизимга солинган яхлит қонундан иборат.

Кодекс сузи кўнчилик давлатларнинг қонунчилик тажрибасида қўлланилади ва халқаро атома сифатида тан олинган.

Оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда уларнинг албатта билиши лозим бўлган махсус қонунлардан бири — Оила кодекси.

Янги Оила кодекси 1998 йил 30 апрель сессиясида қабул қилиниб, жорий йилнинг биринчи сентябридан бошлаб амалга кирди. У 8 бўлим, 30 боб, 238 моддадан иборат.

Оила кодекси никоҳ, эр-хотинларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ота-оналар ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага жойлаштириш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Алоҳида эътибор — оила ҳуқуқининг янги институтлари — хусусан никоҳ шартномаси, алимент бўйича келишиш ва бошқа масалаларга қаратилган.

Оила кодекси ҳуқуқий давлатчиликка интилиш жараёнида олдинга қараб қўйилган муҳим қадам бўлди. Шубҳасиз, мазкур кодекс жамиятимизнинг руҳан соғлом бўлишига, унинг муҳитида маънавий етук, жисмонан баркамол инсонларнинг воғга етишишга, миллий кадриятларимиз ва анъаналаримизнинг эъзозланишига хизмат қилади.

Қонун қабул қилинди, энди ҳамма масала ҳал бўлди, дегани эмас. «Қонунларнинг қабул қилиниши ишмизнинг 50 фоизи», — деди президентимиз. Эндиликда бу қонуннинг янги жиҳатларини аҳолига етказиш лозим. Бу янгиликларнинг қонунчиликка қилиб келиш сабабларини ва улар нимага қаратилганлигини кенг жамоатчиликка тушунтириш мақсадга мувофиқ. Кодекснинг ҳар бир моддасини халққа изоҳлаб, шарҳлаб бериш керак.

Ҳар қандай қонун эътиёжга айлангандагина тулик амал қилган бўлади. Бунинг учун, табиийки, оила аъзолари уларни ўқиб, урганмоқлари ва амал қилмоқлари керак. Бундан кейинги «Хуқуқ дарсхонаси» руқни остидаги қатор мақолалар «Оила кодекси»ни батафсил тушуниб ўзлаштиришингизга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

**Фозил Отахўжаев,**

**Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган юрист, хуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент**

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҲМИТАЛАРИ ҲАҚИДА

Наманган шаҳар хотин-қизлар қўмитаси жойлардаги бошланғич ташкилот фаоллари, вилоят маданият ва маърифат жамоатчилиги маркази ҳамда

узил-кесил ҳал этилаётир. Аҳолининг ортиқча сарсон-оворагарчилигию турли хил асаббузарликлариға йўл қўйилмапти. Бундан қўп

шароитини яхшилаш шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг диққат-эътиборида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу борада

## ЯГОНА МАҚСАД ЙҲЛИДА

бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. Маҳалларнинг урганиш, оилаларнинг ижтимоий ҳолатини таҳлил этиш қўмитамиз фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Оилаларни ҳар томонлама чуқур ва пухта урганиш мақсадида «Оила дафтари» ташкил этилган. Аини пайтда ҳар бир хонадонда бундай дафтар юритилмоқда. Бунинг афзалликлари томонлари қўп. Оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит, мавжуд шарт-шароит, экологик ҳолат, ишсизлар сонини ками муҳим ижтимоий масалалар ушбу дафтарда ўз аксини топади. Шу алфоздаги ҳаракатларимиз яхши самара беряпти. Хонадонма-хонадон юриш оқибатида қўпгина оилавий ва бошқа муаммолар

сонли аҳоли мамнун, албатта.

Халқимиз уртасида «Аёл бўлса тadbиркор, оилада бахт бисёр» ибораси тез-тез ишлатилиб турилади. Ҳақиқатдан аёл нафақат ишда, балки уй-рузғорда ҳам тadbиркор, уздабурон бўлмоғи керак. Оилани мустаҳкамлашда аёлнинг ўрни нақадар катта эканлиги маданий-маърифий тadbирлар орқали ҳам ўз ифодасини топишмоқда.

Оиладаги қайнона-келин муносабатлари, фарзандлар тарбияси ва экологик муҳитга алоҳида эътибор қаратилаётир. «Қайнона-98», «Шарқ либослари», «Маҳалланинг тadbиркор аёли», «Энг ибратли келин-қачи» мавзуларида тadbирлар ўтказилиб, маъруза ва суҳбатлар уюштирилмоқда.

Қишлоқ оилаларини урганиш, уларнинг турмуш

барча жамоат ташкилотлари ва жамғарма вакилларида тузилган «Дилхуш», «Ташриф» махсус гуруҳлари фаол фаолият кўрсатмоқда. Бу гуруҳларнинг фаолияти доимий давом этапти. Маълумки, ҳозир аини пахта йиғим-терими қизгин паллага кирган пайт. Пахтакорларни маънавий рағбатлантириш мақсадида одатдагидек жорий йилда ҳам «Ойдин» мавсумий гуруҳи иш олиб бормоқда. Дала шйпонлари ва ҳашарчилар даврасида ўтказилаётган қизиқарли учрашувлар, мулоқот ва баҳс-мунозаралар, бир сўз билан айтганда, ягона мақсадга қаратилган. Бу ҳам бўлса оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашдир.

**Санъат АКМАЛОВА,**

**Наманган шаҳар хотин-қизлар қўмитаси аъзоси**

1998 йил — Оила йили

## СИЗГА УХШАГИМ КЕЛАДИ, ОНАЖОН!

«Энг ибратли оила» Республика кўрик-танлови ғолиблари

Катта, аҳил, тотув хонадон бўлган Худоевлар оиласини Охангарон шаҳрида кўпчилик яхши таниди. Янги тузилган оилаларга «Худоевлар каби пиру бадавлат бўлинглар, куша-қариб юринглар», — деб тилак билдириш дуо қилдилар. Бу бежиз эмас.

Исमत ака ва Бувниса аялар 4 уғил, 2 қизни тарбиялаб вояга етказдилар. 22 нафар неварога бобо ва буви бўдилар. Бугунги кунда уғил-қизлар эл-юрт хизматида. Катта уғил Нейматжон уқитувчи, Абдуқаюм ака шаҳар маданият уйи директори, Салимжон шифокор, Абдукарим — булажақ ҳуқуқшунос, қизлар ва келинлар ҳаётда ўз ўринларига эга.

Биз улар билан батафсил танишмоқ мақсадида ушбу хонадонда бўлдик.

— Бувниса ая, аввало Сизни ва оила аъзоларингизни республика танловига ғолиблар сифидан ўрин олганингиз билан табриклаймиз. Хеч ўйлаганингизга ғолиб бўламиз, бутун Ўзбекистонга таниламиз,

деб? Намунали оила деб тан олингангизнинг сирини нимада деб ўйлайсиз?

— Аввало, ана шундай танловни ташкил этганлар барака топишсин. Чунки бу конкурс туфайли жуда кўп аҳолиб инсонлар билан танишдим. Ғолибликка келсак, бу ерда ҳеч қандай сир йуқ. Бунга фақат оиламиз аъзоларининг, фарзандларимизнинг аҳиллиги, тотувлиги, ҳамжихатлиги асосий сабаб бўлди, десам хато бўлмайди.

Биз турмуш ўртоғим билан 45 йил тотув яшадик. Бирор бир муаммоли масалами, ёки бошқа масалами албатта эр-хотин бир-биримиз билан маслаҳатлашиб, режа билан ҳал этардик. Хеч қачон мен эркак кишига уйда ҳали у кам, ҳали бу кам деб, кул қўшутириб утирган эмасман. Аёл киши табиркор, режали бўлиши керак. Болаларим ёш пайтида, уй-рузгор юмушларини, фарзандлар тарбиясини ҳам ўқиб, яна рузгор учун деб қўшимча ишлар билан ҳам шугулланардим. Шолча туркидан, белбоғ тикардим, қуроқлардан турли хил дас-турхон ва қурпачалар, ёстиқ-

чалар тикардим. Қизларимнинг куп сепларини ҳам узим тикканман.

Демак, аҳилликда, аёл кишининг режали бўлишида гап куп. Шу боис булса керак, уғил-қизларимиз ҳам ўз оилалари билан аҳил, иноқ яшашпти.

Икки йил бўлди «Охангаронцемент» заводига ўзоқ иллар меҳнат қилган турмуш ўртоғим вафот этди. Доим отасининг измида бўлган, эрта билан унинг дуосини олиб ишга отланган фарзандларим ҳамон бу одаларини тарқ этишмаган. Улар албатта эрта билан мендан ҳол-аҳвол сўраб, сўнгра юмушларига кетадилар. Мен ҳам уларни қўрақ, хотиржам бўламан. Онани эъзозлаш набираларимга ҳам ёшлагидан сингиб бормоқда. Бежиз айтишмайдику, «Қуш уясида қурганини қилади» ёки «Эканингни урасан», деб. Эрта-индин улар ҳам ўз ота-оналарини ана шундай иззат-икром қилишларига ишонаман. Қолаверса, бугунги тезкор замонамизда ёшлар билимли, маданиятли, меҳнатсевар бўлишлари ҳам зарур, деб ҳисоблайман. Шу боис булса керак, танлов шартлари-

ни бажаришда ҳам ҳеч қийналмадик. Биринчи шартга қўра Тошкент вилояти, хусусан Охангаронимизнинг узига ҳос хусусиятларини муносиб таърифлаган бўлсак, савол-жавоб шартларига қўра уғил-қизларим миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, Ватанимиз тарихи ва бугунги ҳақидаги саволларга аниқ жавоб бериб, ўз билимларини намойиш эта олдилар. Шарт бўйича эса биз оиламизнинг оддий дам олиш кунларидан бирини саҳнада намойиш қилиб бердик. Бунда уғил-қизларим, келин-қуввлар, неваралар барчаси иштирок этишди. Биз ижро этган унларлар, халқ термалари, ўғлим Абдуқаюм ижросидаги араб тангоси, қўйим Абдорнинг сурнай чалиш маҳорати кўпчиликка маъқул келди.

Бу эса оиламизда санъатга алоҳида меҳр борлигининг исботидир. Шу уринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчи эдим. «Тузиз ош, жанжалсиз уй йуқ», — дейдилар. Шундай пайтларда албатта бир томон — ё эр, ё хотин паст келиши керак. Мен буни уғил-қизларимга жуда кўп тайинлайман...

Зулхумор ЖУРАЕВА

Маънавият бўлоқлари

Жалолиддин Румий

## ЁНГИН ЧОРАСИ

Ҳазрати Умар ибн Ҳаттоб замонларида бир шаҳарда катта ёнғин чиқди. У қутургандан қутуриб, ёғоч ва гиштини уйлари-нинг девор-томларини қарсиллатиб, ямлаб ютар эди. Одамларнинг ёнғинга қўчи етмас, у атрафга ёйилиб, баландга ўрлаб, ҳайвонларнинг иллари ва қушларнинг уяларини ҳам омон қолдирмади. Ёнғинга сув селиш ҳам, меҳлардаги сирқа шартларини қийиш ҳам фойда бермади. Ёнғин Аллоҳнинг жазосиди, ҳеч қандай ва ҳеч нарсадан қўрқмай, борлиқни вайрон қиларди.

Охири шаҳар оқсоқоллари ҳазрати Умарнинг олдида келиб, «Ёнғинни эллаб бўлмаёти, не қилсак экан», деб маслаҳат сўрашди.

Ҳалифа Умар айтдиларки: «Сизлар камбағил бечораларга меҳр-шафқат қилмай, он-алан-ғоч қолдирганингиз учун олов ҳам сизларга шафқат қилмапти. Зикналик, ҳасидлик қилмай, уйлариңизни очиб, камбағил, муҳтожларга нон, ош, дон-дум беринглар!»

Шаҳарлик бойлар: «Биз уйлариңизни очганимиз, муҳтожларга нон, ош, қийим-кечак берганимиз», дедилар.

Ҳалифа Умар айтди: «Тўғри, берганимиз, аммо чин қўнғилдан, ҳудуд йўлга бермай, тақаббурлик билан, миннат билан берганимиз. Сиз бечораларга нон, ош берялган, деб мактанганини ўйлагансиз. Бундай қибру ҳаво билан берилган ҳайр-эҳсон Ҳақ даргоҳида қабул қилинмас.

«Маънавийдан маънавий»дан Маҳкам Маҳмуд тайёрлади

Хозирги пайтда биз шаҳарликлар кўпчилигимиз куп қаватли уйларида яшаймиз. Бизнинг Бел-тепа массивида жойлашган тўққиз қаватли унта йўлакдан иборат «уй-кимизда ҳам икки юзга яқин хонадон яшайди.

Бир кўни нариги йўлакда турадиган қўшни аёл шикоят қилиб қолди: «Кеча кечаси билан кичик қизимнинг мазаси бўлмади, йўғлаб чиқди. Дори-дармон қилдим. Лекин ҳарчанд ўлатмоқчи, тиғичтиқмоқчи бўлсам ҳам ташқаридаги болаларнинг шовқинидан баттар безовталандим ҳеч ўлолмайди. Мени ҳам ўлатмади. Энди мизгитандек бўладию, ташқаридаги шовқиндан чўчи ёна безовта бўлаверарди. Азбаройи тоқатим тоқ бўлиб, дераза ойнасидан бошимни чиқариб қарасам, қўшни қизчалар экан. Уларни қойинган бўлдим: «Соат ундан ошди, уйлариңга кира қолсаларинг ҳам бўларди, ахир одамлар дам олиши керак», — дедим. Қизлар бирпас жимиб қолди-ю, лекин бироздан сўнг яна қий-чув давом этди. Ишонасизми, бу ҳол соат 12 ларгача давом этди. Касал

бюла билан эзилдим, дилим огриди».

Дарҳақиқат, уйлаб қолсан киши, қурилган ва қурилатгана баланд-баланд уйлар атрафда болалар учун махсус уйингоҳ — майдончалар деярли йуқ. Болалар йўлакдан чиқишда — хонадон деразаларининг тағида уйнайдилар.

## АЙБ ФАҚАТ УЙИҢАРОҚ БОЛАЛАРДАМИ?

Агар ҳар битта йўлакда ун саккизта оила борлиги назарда тутилса, уларнинг ҳар биридан кичиктадан бола қўчага чиқканда ҳам уттиз олти боланинг қий-чув, шовқин-сурони дабдабали тўғи, томоша шовқинидан қолшмаслиги, оламини бузиши табиий.

Болаларини ярим тунгача қўчада қўйиб уйда ота-оналари қандай бемалол утиришаркан, — уйлаб қоламиз. Ахир узагаларни ҳам ҳур-

мат қилиб яшаш кераклигини болаларимиз қачон урганишарди. Ҳаммининг шарт-шароити, ҳол-аҳвали бир хил эмас. Кимнингдир биш боласи бор, улатиши керак, яна биронта қўшиниши кекса, шовқини кўтара олмайди, яна бошқа бировининг мазаси бўлмаётгандир, сокинлик истайди.

Балки ён қўшиниши тунги навбатчиликдан келгану, дам ололмади қийнаётгандир. Ана шу маънода биз ота-оналар фарзандларимизга имкон қадар одамларга озор бермай яшаш кераклигини ургатишимиз лозим, деб ўйлайман. Сиз истайсизми, йўқми, азиз қўшинишим, одалта болангизни қўчада узини нечоғли тўта билиши, узагалар билан бўлган муоимаси, юриш-туришига қараб, сиз

ота-оналарига ҳам баҳо беришарди. Қўчогингиздан отилиб қўчага чиққан дилбандиғизни қўчани қўчани кўнига сизга неча марта-ла раҳмат-у ёки аксинча лаянат тошларини ёғдириши мумкин.

Муборак Ҳадисларда ҳам: «Ўз қўшинишига озор бериб, уни қўчиб кетишга мажбур қилган одамни-

ни жойи дузахдир», — дейилган. Шу уринда юқорида келтирилган фикрлар ҳақида биз катталар яхшилаб ўйлаб қўрасак фойдадан холи бўлмас эди...

Биз ўйлаб қўришимиз керак бўлган масаланинг яна бир томони, мени ҳаммада қийнайди. Болаларни қўйимиз-у, лекин уларда нима гуноҳ? Уша куп қаватли уйлариңнинг айнан болалар сат на-рироқда уйнаши мумкин бўлган

майдонга бизнинг дадақонларимиз катторлаштириб темир гиражлар қўриб ташлашган. Атрофини эса панжаралар билан ўраб ҳам олишган. Қўришничи ниятда хунук бу темир қалқонлар уйлариңнинг олд томонини шундай тўсиганки, баъзан ёруғ жаҳон қўзинига тор қури-ниб, бўғилиб кетасан, киши. Наҳотки ўша савил қолғурларни нетроқда урнатиш, ўзимизга ҳам, болаларимизга ҳам озгина кенглик беришининг иложи бўлмас? Агар шаҳар бўйича деярли қўпчилик уйларида одамларни яшашига оқулайлик тўғдираётган мана шу тартибсизликларга ҳокимият, маҳалла қўмиталари вакиллари аралашиб чек қўйишса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Болаларимизнинг ҳам оқлари Аллоҳга етиб, яйраб уйнашлари учун, катталарнинг ҳам ишдан қарчаб келганда ўз уйларида қийиқиб дам олишлари учун қийиқиб тўғиларди. Ило бўндай савоб ишга қанча шовқиласан шунча яхши ва ҳайрлидир.

Нафиса РАЙИМ қизи

## ЭРКИНЛИК ВА МЕЪЁР БЕКАТИ

Хозиргина ойнаи жаҳонда эркинлик туйғуси ҳақида қўрасув бўлди. Ушбу қўрасувда оила аъзоларининг эркинлиги ҳақида баҳсга асос солинди. Қизик, ўзимиз эркин бўлишни хоҳлаган пайтда, фарзандлар эркинлигини, «шўхлик» дея ёқтирмаймиз, чеклаш йўллари, усули ҳақида бош қотирамиз. Фарзандлар эркинлигини чеклаган пайтимизда эса фарзандлар тарбиясига салбий таъсир етказамиз. Бу ердаги асосий муаммо — фарзандлар эркинлигининг меъёрини аниқлашдан иборат. Айнан шунинг учун ҳам фарзандлар эркинлигини журъат билан, билимдонлик билан тарбияламоқ зарур. Тар-

бияда уларни ўзимизга дуст тутмоқликдан уларга сирдош бўлмоқлик даражасига қадар эркинлик лозим бўлади.

Мана шу ерда қизик ҳолат содир бўлаётти: бир кишининг эркинлиги бошқа бир кишининг ёки бир неча кишининг эркинлигини бўғайди. Демак, эркинлик вақтинчалик ҳўқимга оид бўлиб, нисбий мақомга эгадир. Доим бирор ҳолатга нисбатан эркинроқ бўлсак, бошқа бирор ҳолатга нисбатан эркинроқ бўлмас. Дейлик, келин ўз уйда ҳаракатда эркинроқ бўлган бўлса, қўв бу уйда келинга нисбатан эркинроқдир. Ҳўш, унда эркинлиқнинг чегараси қаерда ва уни қим белигайди? Ёшлтида ўз уйларида эркин усган

фарзандлар оила қўрач, қайси бирининг эркин устивор бўлиб қолиши керак? Баъзан оиладаги эркинлиқни қўлга қирита-ман деб оилани, бахти-мизин барҳам бераётган пайтларимизни ҳам ин-кор этмаган ҳолда қайси бирини қўллаган маъқул: оиланими ёки эркинли-ким?

Фарзандларимиз эркинлик ўлчамларидан келиб чиқиб бизга итлоат этмадилар, орзуларимиз рўёбга чиқмади. Энди фарзандлар эркини ин-кор этиш афзалми ёки баъзи орзуларимиздан воз кечиш афзалми?

Бу қабил қатор саволларга жавоб топиш учун биз эркинлик туйғусининг вақтинчалигига ва нисбийлигига диққатни тортимиз. Энг аввал биз-

даги эркинлик ўзимизнинг ва атрофимиздагиларнинг манфаатига мос келишини назарда тутамиз, сўнгра бундай эркинликни ривожланишига имконият яратамиз, акс ҳолда ушбу эркинликдан вақтинча воз кечамиз. Масалан, фарзандимиз танлаётган касби узига мос келса, биз уларга ҳўқим-ронлик қилиш эркинлигидан вақтинчалик воз кечамиз, ёки фарзандимиз ахлоқи заиф гуруҳларга қўшилганганини билсак, уларнинг дуст танлаш эркинлигига вақтинча нўқта қўямиз. Қўнунда ҳам, шариятда ҳам ҳаракатлар ва демакки эркинлигимиз маълул бир оралади, одамларга зараримиз тегмайдиган ораладиғина таъмин этилади, акс ҳолда эркинли-

гимиз микдорича жазо оламиз ва бунда «эркинликни бўғайтилар» — дея дод солишдан фойда йуқ.

Мана шу ерда ҳалол ва ҳаром, савоб ва гуноҳ тушуңчалари асқотлади. Жами ҳалол нарсаларга, савоб ишларга эркинлик рағбатлантирилса, ҳаром нарсаларда, гуноҳ ишларда эркинлик маҳв этилгани маъқул. Фарзандларимизга ўз эркинликларини манфаат нўқтаи назаридан келиб чиқиб бошқаришни ургатмоғимиз лозим.

Эркинлиқнинг меъёрининг натижасидан келиб чиқадиган манфаат микдори белгиланмайди. Бу меъёрни аниқлаш биздан катта заковат талаб қилади ва айнан мана шу ерда баркамоллигимиз маълул бўлади. «Яхшиликнинг чегараси йуқ» — дейди халқимиз. Демак

одамлар манфаати учун, юрт манфаати учун эркинликка чегара қўйилмайди. Айни вақтда «қўмондан йироқ юр, қораси оқда» — деган нақл ҳам бор. Бундан келиб чиқадиги қўзоннинг қорасица ёмонликка ҳам ақинала-шиш мумкин эмас, бунга эрк берилмайди.

Агар биз фарзандларимизга эркинлик ва унинг меъёрини ургата олган бўлсак улардан келажикда, турани, бюрократ раҳбар ҳам, ҳўшомадгўй лаганбардор ҳам, ҳасадгўй анонимкачи ҳодим ҳам, лоқайди, бетарво инсон ҳам чиқмаслигини таъмин этган бўламиз ва бу билан эркин, мустақил юртимизнинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган бўламиз.

Ҳамдам ТҲИЧЕВ

## ЎГАЙЛИК ТОШИ ОФИР

«Болалари билан қайтиб келиб бир ташвишим икки бўлади, деб уйлаясизми? Бошим оққан томонга кетаман, қўрқаман, уйнингизга қайтмайман», — дея онаси дилини оғритганини, сирли саробга интилганини айнан ҳозир чуқур ҳис қилди.

Ушанда «мен урадиган эр билан яшайман», — деб ўз ҳаётига ҳукм қиқариб, ақрашмаганида бу чархи кайрафторнинг елкасида замбилдек бошиб турадиган, «угай она» деган лаънат тошини кўтариб юрмасмиди? Биринчи эри Немайилладан ажрашганидан кейин қизи Эъзоза билан онасиникида уч йил ўтирди. У ёқ, бу ёқдан совчилар келишди-ю, Нигоранинг кунлига ўтиравермади. Охири қариндошлари уртага тушиб «Зокир ака» деган узоқ қишлоқлик бир кишига узатиб юборишди. Тўйдан кейин битта боласи бешта бўлди (чунки Зокир аканинг турт-

та фарзанди бор эди). Кейин олтинчиси туғилди. Олтига боланинг олтинчи хил ташвиши эндигина йигирма икки ёшга кирган Нигорани анча уринтиб қўйди. Ҳар ҳолда Нигора елиб-югуриб болалар хизмати-ни қилар, улар учун ўз онаси-дек бўлсам, кунлига йул топсам, деб куп уринар, лекин бунга ҳар доим ҳам эришолмас, аниқроғи эришгани куйишмасди. Баъзан оқни-оқ, қорани-қора дўвлмай қийналар, чунки пешонасига «угай» деган муҳр босилган эди.

Бир кун уртанча угли Мадийр кушинининг угли Хусниддин билан копток талашиб, муштлашиб, ўртоғини оғзибурини қонга тўлдириб уриб келганида эрининг опалари ҳам бор эди. Нигора — «Мадийр углим, ахир ўз ўртоғини ҳам шунчалки урасанми, уялмайсанми?», — деб койига-нида Мадийрнинг аммалари

дарҳол уртага тушиб: «Ҳой келин, нималар деясиз, бу урмаганида ўртоғи уриши мумкин эди, нима, ҳақини айирса ёмонми, барибир ўгайлигинизга борасиз-да», — деб бир оғиз суз билан оғзини ёлган, Нигоранинг қалбини чил-чил қилиб синдирган эди.

Ҳа, ўгайнинг иши қийин эканлигини, доимо ўзга қулар нигоҳи таъкиби остида яшашга мажбурлигини Нигора юрак-юракдан туя бошлаган эди.

Шифохонада ётишига сабаб бўлган кечаги воқеа эса ҳаётда азиз билган барча орзу-умидларини топтади, чунки Нигора бу оилага бор меҳрини бериб бўлган эди...

Нимадир бўлди-ю Нигора кушиникига чиқиб қишлоқда тўйларни ўтказиб юрадиган артист бола билан қизи Зулфиянинг «юриси»ни эшитиб кирди. У бўйи етиб қолган Зулфияни тергаб туришини ўз

«оналик» бурчи деб ҳисоблаб, кечкурун қизи қайтган, секин қалбига қўл солиб қурмоқчи бўлди: — «Зулфия-хон бир гап эшитдим, ану артист бола билан... у бола-ни яқинда уйланган дейишди». — «Ҳа уйланди», — кимга ёпишишини билмай юрган эканми, Зулфия она-сидан аламини олди: «Қаердан эшитдингиз, нима уйма-уй юриб мени гийбатимни қилиб юрибсизми?»

Шу пайт кучадан кириб келган Зокир ака қизининг «аламли» йиғиси устидан чиқди. — «Хотинингизга қаранг, устимдан гап йиғиб юрибди», — деди қизи. Отанинг қони миясига урилди: Хотинининг дуч келган жойига тепа бошлади. «Падарлабчати сени ҳеч эл қилиб бўлмади...» Бошига келиб тушган зарбдан Нигора ҳўсиз йиқилди...

Мана ҳозир шифохонада, аҳоли тузук, лекин қалбидоғи бу оилага бўлган муҳаббати сим-сим тугаб бораётгандек эди...

Н. АННАЕВА

## «Кунларнинг бирида...» танловига

Ассалому алайкум тахририят!  
Сизлардан маслаҳат сураб ушбу мактубни ёзишга мажбур бўлдим. Мен Навоий шаҳрида яшайман. Икки ўғлим, икки қизим бор. Турмушим яхши, нолимайман. Мен 4-алоқа бўлимида почтани бўлиб ишлайман. Ота-онам Термиз шаҳрида яшаётди. Биз оилада 3 қиз, 4 ўғлимиз, опам, синглим рузгорли, акамнинг 6 нафар, бир ўқанин 2 нафар фарзанди бор. Шуқрулло деган укам бир қизни севиб қолибди. Қизнинг отаси, тоҳик, онаси рус экан. Қизнинг исми Наргиза. Укам бир кун қизни онамлар билан таништир-

шимни билмай ҳайрон қолдим. Укам севган қизи билан Волгоградга — қизнинг момосиникига кетмоқчи бўлди, мен қўймадим. Чунки йигит киши ҳеч қачон бировнинг юртида яшай олмайди. 5-10 йилдан сунг ўз юртини, шаҳрини, жўраларини, ака-укаларини қўймайди, ўз тилида гапиришни хоҳлайди, кейин нима бўлади, ичоди, ёмон йўлга қиради, рузгори бузилади... Шуларни уйлаб «Кетма, укаҳон, менинг олдимда қол. Ишга қирасан. Уй ҳам оларсан. 5 йилдан сунг ҳеч нарса

Ўқитувчи уй вазифаси сифатида болаларга ўз оиласи ҳақида ҳикоя ёзиб келишни вазифа қилиб берди.

Эртаси кун дурс жараёнда анчадан бери баҳо олмаган ўқувчилардан Шоира исмли қизга навабат тегди. У ҳам бошқалар қатори ёзиб келганларини бурро-бурро қилиб ўқий бошлади. У «Бизнинг оила катта ва аҳил. Дадам, бувим, ота-онам, синглим ва мен», — дейиши билан орқада ўтирган болалардан бири:

Ўқитувчининг ишорасини кутиб турган эканми Замира эшик томонга ўқиб юриб берди.

Мактаб боғида ўқиб-ўқиб йиғлаётган дўгонасини овутишга ҳарчанд уринмасини қулдан келмади. Бу орада танаффусга чиққан бошқа болалар Дилшодга:

— Ҳозироқ кечирим сура, — деб ялиниб-ёлворишарди.

Купчиликнинг раъйига қараб Дилшод Шоирадан кечирим суради. Лекин Шоира уни ҳеч қачон кечира олмаслигини айтиб яна баттарроқ хун-

## МЕН ТЎҒРИ ЙЎЛ ТУТДИММИ?

моқчи бўлибди, қиз ҳам рози бўлибди. Лекин укам уни жўраси билан уйга қирғизибди. Шунда онам «у ким» деса, нима дейишини билмай жўрам билан келган, дебди-қўйибди. Опамлар ўз қариндошларимиздан қиз олмақчи бўлиб юрган экан. Кейин укам «шу қизни олам», — деса онам норози бўлиб уни фаришбиди ва гаплашмай қўйибди. Бир кун укам менга — Навоийга қўнғироқ қилди. Мен унга — «Навоийга кел, шу ерда яшайсан», — дедим. Қизнинг ота-онаси рози бўлиб юборибди. Укам қизни олиб келди, улар ҳозир менинг уйимда. Онам эса менга қўнғироқ қилиб: «Сени оқ қилдим, сенга берган сўтимга рози эмасман, улсам улимга келма», — деб мени қарғай бошлади. Мен нима қили-

қурмагандай бўласан», — дедим. Онам эса ўз билганидан қолмаяпти. Сизлардан илтимос, маслаҳат беринг. Мен тўғри қилдимми—икки ёш бира яшашга имконият яратиб бериб? Ҳамама менга ота-онангни норози қилма, деяпти. Сизлар нима дейсизлар?

Хусенова Инобат ҚУРБОН

ҚИЗИ

ТАХРИРИЯТДАН: Инобатхон ҳаётда дуч келган муаммоларни тўғри ҳал қилгани ва ё нотўғри? У ҳамон бир фикрга қололмай қийналгани тўғрйли биздан оқилона бир жавобни — ҳўли бир маслаҳатни кутаяпти. Қани энди, ҳар галгидек яна сизнинг муборак сузингизга муштоқмиз, азиз газетхонлар!

## ЎКСИК КАЛБ...

— Қанақасига аҳил? Ойнинг билан синглинг сизлар билан туришмайди-ку, — деди. Ён-атрофдаги болалар ҳам Шоиранинг ота-онаси ажрашиб, у оғасида, синглиси онасида қолгани яхши билишарди. Лекин Дилшоднинг уйламай-нетмай айтган гап учун қойиб:

— Жим, жим бўлсанг-чи, тагин қариндош эмиш, — деб истеҳзоли, ўқрайиб қараб қўйишди.

Дилшод эса авжига чиқиб, бир сузни тақорлашни қўймавди.

Шоира жўмлаи охиригача зурга ўқиди, югуриб ташқарига чиқиб кетди. Янги келган ўқитувчи бу ҳолатга тушунмаса-да:

— Ким Шоиранинг дўгонаси? — дея суради. Болалар бараварига: — Замира, — дейишди.

раб йиғларди.

Ота-она ажралса, болада нима айб?

Бундай ўқсик қалбли болалар эҳче қанча. Ота ҳам, она ҳам бир йўлини топиб кетар-а, бирок фарзанд... Ҳа-ҳа, қулпича биз катталар ёдими-дан чиқариб қўядиган фарзандларимиздан бахтли болаликни тортиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб айтгим келади. Дунёга келтирдикми энди узимиздан қўра, уша «асалим, қандим» деб эркалатганимиз — болаларимизнинг тақдирини уйлашга ҳар биримиз бурчлимиз. Сиз-чи?

Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз, газетхон?!

М. МИРСАЙДОВА

Ҳар тонг ишгани, ўқшгани каттаётганимизда бизни энг биринчи бўлиб кутиб оладиган жойимиз бу бекатлар... Ҳа, эрталаб ва оқшомлари гоҳ хуноб бўлиб, гоҳ толиқиб йўл оладиган манзилимиз уша жой. Бу ерда ҳам узича ҳаёт қайнайди. Кимдир анчадан бўён қурмаган дустини, дўгонасини ўчратиб қолади. Кимдир эса маъза қилиб гийбатлашади, кимдир мириқиб ситарет тутатади...

Лекин... У ерда баъзан кунглини хира қиладиган гап-сузларни ҳам эшитишимизга тўғри келади. Тунов кунли ишдан қайтаётб бекатга келим. Мендан сал кейинроқ иккита қиз келди. Улар лобар ва чиройли, кийган кийимлари ҳам ўзларига ниҳоятда ярашглик эди. Бекатда турганларнинг барчасининг нигоҳлари уша икки гўзалга қаратилганди. Мен ҳам уларга ҳавас билан қарадим.

Аммо ҳадеганда автобус келавермасди. Бейхитёр қўлогимга айнаи менинг ёнимда турган фариштадеккина

бу қизларнинг гап-сузлари чалина бошлади.

— Гулий, кеча ану Тохир-чи, уша менга яна телефон қилди. Учрашуга қақирди. Ярашмоқчимиз... — деди лабларини туриб.

— Нима, сен ҳали уни кечирмоқчимисан? — деб суради иккинчи қиз.

— Уйлаб кураимиз-да, яна бироз ялинсин-чи, — деди яна у.

лар, ахир бу йил тугатар экан-ку, ўқишини, — деди Гули уни юпатган бўлиб.

— Ўқишини битирган билан ойлик олиб яшайди-да, нима миллионер бўлармиди, на машинаси бор, на уй-йоғи, «об-шча»-да яшайди-да, фақат кет-ворган йигитлигини айтмаса...

Бу сўзгаб кўпчиликнинг диққатини тортганди. Ёнимизда уларга ажаб ошурфатли билан қараб турган йигитлардан

## СУЛУВ! СЕНИНГ СИРИНГ КҮП...

«Гуличка» дегани эса ҳайратини яширолмасдан кузларини катта-катта оғинчана: «Вой, Алик эшитса нима бўлади, ахир у сенга уйланоқчи бўлиб юривди-ку?» — деганди, биринчи қиз яна шарақлаб қулиб юборди.

— Фу, унга уйланишни ким қўйибди, ҳали ҳатто бир даста гўл ҳам кўтариб келмади-я, паст... — деди яна у.

— Ундай дема, Насий, ўқишини битирса кейин олиб ке-

бири ерга «чирт» этиб турупди-да, тескари қараб олди.

Шу лаҳза келган автобусга қизлар югуриб чиқиб кетишди. Шунда ҳалиги йигит дустига қараб ҳикоя қилди: «Зокир, сенинг қизинг ҳам шунча машинага, куришинингга учадими?» — «Шу-да ҳозирги замоннинг қизлари... Уларга пул, машина, «сотка» телефонинг бўлса бўлди... Бошқаса билан ишлари йўқ», — деди афсус-

тарийларимиз орасида уша қизлар бордир, дея уларга ушбу сузларни айтгим келди:

Қизгина! Ёшлиқнинг, гузаллиқнинг қадрига ҳам, маънисига ҳам етмайдиган ёшдаги сулув! Сенга гапим бор! Биламанки, бу баҳорий, афсонавий ёшдаги гузалларнинг ҳаммасининг ўз қалб жавҳарлари бўлади. Улар кунгил тубида жилва-ланаркан. қизлар ошқиб уни дарров атрофдагиларга, дусту

дўгоналарига қўрсатиб гурур-лангилари келади. Бу табиийдир. Ёшлигимизда биз ҳам шундай бўлганмиз. Аммо бувиларимиз, онажонларимизнинг кундалик ўғитларидан уларни ошқор қилишга-да тортинардиқ. Назаримда ҳозир замон сал ўзгариб қурроқ гариб одатларига мойиллик сезилаятгандек бўлса-да, шуни унутманлар, қизлар-жон. Сулувларим! Фақат дўгонангизга ёки онангизга айтиладиган сирларингизни кучаларда ошқор этманлар. Купчилик турган бекатларда айниқса, одоқ саклашга одат-ланган. Ножўя айтилган ҳар бир сузингиз билан яқин орада кийинишингиз керак бўладиган келинликнинг оппоқ қўйлагига бехос доғ тушириб қўйманг.

Сизларга оппоқ бўлутдек бегуборлик, гудек нафосат, Шарқликларга хос бўлган одобу ифбат ер бўлишини истардим.

БАСИРА

## «Икки йўл орасида қолдим» («Оила ва жамият» — 34-сон)

Ҳаёт узи бир денгиз, уни киши билмас туфону уқонлари бор. Бунинг учун инсон машҳур сузувчилик касбини эгаллаган спортсмен каби ҳаёт сабоқларини ўқиб бормоғи лозим. Ана шу ҳаёт инсон учун бир марта берилади. Уни лойқалатмай, суприндилардан тоза ҳолда яшаш керак. Зеро, шундай экан ушбу маблагни барча таълим-тарбия масканларида ишлаб чиқилса, ёш йигит-қизларнинг шахсий фикирини билса яхши булар эди.

Энди синглимиз М. Х. га берадиган маслаҳатим куйидагича:

Синглим сизнинг ёзган кунгил изҳорингизни ўқиб, тугриси сизнинг пешонаси шур ёстиқдошингизга ачиндим, сиздан эса нафратландим. Мен туман хотин-қизлар кумитасининг раиси бўлиб икки йил фаолият курсатган бўлсам, етим гудакларнинг охи-зори, уйи бузилган аёлларнинг зор қажашлари изтиробга солиб, кечалари оромимни олиб кетар эди.

Туманимиздаги меҳрибонлик уйига ҳар гал борганимда етим болаларнинг

мунгли кузларига боқиб, қалбим тугён уриб, кузимдаги ёшимни тўхтатолмай, бир неча кунлар узимга келолмай юрар эдим.

## ОНА ЭКАНЛИГИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК

«Во дариго, буларнинг ота-онаси тирик бўла туриб, ота-она меҳрига зор бўлиб яшашса, буларнинг айби нима?» деган савол юрагимни кемирғандан кемирарди.

Мен юзлаб аёлларни тугри йулга солганман, болаларни етим бўлиб қолишидан асраганман, аммо ҳозир сизга маслаҳат беришга ожизлик қилиб қолдим. «Эрингиз сезмаган бўлса, тинчгина яшайверинг-да» десам сизнинг қилган ҳиёнатингизга мен ҳам қўшилиб, эрингизга кечирилмас ҳиёнат қилган бўламан. Сиз маънавий қур бўлиб қолибсиз. Мана шу маънавий қурли туйғайли бойлик орттириш йўлига кирган-

сиз. Бойликка хирс қўйиш, инсоний ҳислатларга путур етказида. Инсоний ҳислатлардан жудо бўлган одам тубсиз кучага қиради. Натижада узини-узи ҳалокат ёқа-

ҳаром-ҳариш ишларни қилиб, болаларимизни тугри йулга бошқара олмаймиз. Бизнинг қилган ишларимизни улар кўриб туришади. «Онасини қуру, қизини ол,

Паймонам ҳам энди тулур, Кечиролсанг, кечир мени, Қизарттирдим жоним сени.

Бу бойликнинг душманлигини, Ё, дўстлигин билолмадим, Дардимни мен айтолмадим, Емон йўлдан қайтолмадим, Кечир мени вафодорим.

Энди қилган пушаймоним Бўлди ўзимга душманим, Бир умрга бу виждоним, Қийноқдадир, кечир жоним, Оқар энди қўз ёшларим.

Кечирилмас хато қилдим, Ҳаётимни адо қилдим, Уағдаларга вафо қилдим, Сenga вафо қилолмадим. Кечир мени ёстиқдошим, Энди ҳамдир менинг бошим.

Ушбу мисраларни ёд олсангиз, ёлғиз қолган кезларингизда, ажаб эмас кўнглингизга далда бўлса. Бу мисраларни давраларда аёллар ўртасида айтсангиз, ажаб эрмаски, сиз каби адашганларни йўлдан қайтарса. Сизга, сузим охирида фақат инсоф тилайман.

Салом билан китоблик опангиз Ҳосиятхон ЖАББОРОВА, Қашқадарё вилояти

Акс

садо

## ҚИЗ БОЛА ОРЛИ БУЛАНИ ЯХШИ

Севимли газетамизнинг 36 сонидида чоп этилган гарчанд ёши анчага борган бўлса-да, турмушга чиқмаган Ўзбекистон радиосида ишлайдиган Ҳафизахон ҳақида ёритилган мақолани ўзгача бир қизиқиш ила ўқидим. Ростки, мақолани ўқиб таъсирланиб кетдим. Бироқ бу менинг қайфиятима ўзгача таъсир қилди, зотан қиз боланинг аччиқ кечмиши, тортаётган азоб-қубатлари ҳар қандай кишини оғир аҳволга солиши табиий. Қолаверса, аёл кишининг сир-синаоти, дарду ситамлари ўз дунёсида сақланиши жоиз, айниқса, бизнинг ўзбекларда. Мен мақоладаги Ҳафизахон опани айбламочки эмасман. Тугри, аллақандай сабаблар билан турмушга чиқмай «утириб қолган» қизларимиз орамизда анчагина топилади. Лекин «утирган қиз урнини топади» деган мақол ҳам бор-ку. Нима, аёлларимизга ҳос бўлган сабр-матонат, ирода Ҳафизахон опанимизда топиладими? Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Кимдир ўн саккиз ёшга етмай турмушга чиқади, кимдир ўттиз ёшга тулганида ўз бахтини топади. Фақат инсон аввало ҳаётда адашмаслиги керак. Ҳаётнинг унқир-унқир кучалари ҳаммамизнинг ҳам бошимиздан ўтади. Нима бўлганда ҳам ўзбек қизларининг ибодли, ҳаёли, ор-номусли бўлишини истайман. Балки, Ҳафизахон опадан анча ёшдирман, агар шундай бўлса у кишидан узор сурайман. Менинг узоқ бир танишим ҳам шу соҳада «журналист» бўлиб ишлайди. Мақтаниш эмас-у, у билан гаплашган ҳар бир киши узини бу дунёда ёлғиз эмаслигини ҳис этади. Унинг табиатидаги ширин суҳанлик, юзидagi табассум эса кишини узига мафтун қилмасдан қўймайди. Ҳафизахон опа балки сиз ҳам кун келиб, бахтингизни топарсиз. Бунга менинг ишончим қомил. Айтишадик-ку, инсон ҳаётида энг кўп фойда берадиган нарса бу умрдир. Демакки, Сиз умид қилинг, ҳаётингизда ўз «Умид-ингизни топарсиз».

Дилшод МАТЁҚУБОВ, иқтисодчи

Менинг ҳам ҳаётим М. Х. ҳаётига ўхшаш. Лекин

бошқача. Мен ҳам оилали, 4 фарзандни 16 йилдан бунён тинч-тотув яшаб қамолотга етказмоқдамиз. Лекин ҳаётда муҳаббат бор экан. Х.нинг бошидаги савдо 3 йилу 4 ойдан бери менинг ҳам бошимда бор. Мен ҳам оилали, фарзандли бир аёл билан учрашиб тураман. Аёл чехрасидаги маъсулик, қандайдир меҳр у билан танишимга мажбур этди мени. Секин-аста учрашиб турдик. Севги ёш танламас экан. Бир-биримизга бўлган меҳр кун сайин орта бошлади. Йулларига қуз тутиб кузимдан ёшлар оққан кунларимнинг ҳисоби йўқдир. Ҳаётим, ҳаётим шу аёл билан боғланиб кетди. Мен ҳам М.Х. сингари «Икки йўл орасида»ман, лекин ҳеч ҳам афсус чекмаман. Ҳаётда бу аёлни учратиб дарду-аламларига, қайғу ва қувончларига шерик бўлганимдан хурсандман. Бу аёл учун менинг тилла совғаларим — бир оғиз ширин сузимдир. Мен бу аёл билан уммасбатда айшу ишратини, тушакда бирга бўлишини эмас, балки унинг дардларига сирдош дўст бўлишини, чехрасида қувонч қуришини, оиласи-

## МУҲАББАТГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ!

да тинчлик бўлишини истайман.

Ҳа, мен ҳамон икки йўл орасида — юрагим иккига бўлинган ҳолда яшаб келмоқдаман. Бир томонда мен учун азиз оилам — фарзандларим бўлса, иккинчи томонда сеvimли аёл. Бири сирдошим, бир ёстиқдошим. Бири бахтим, бири муҳаббатим. Бу мен учун хиёнат эмас, балки бахт. Ҳа, мен бахтлиман. М.Х. сиз сингари бегона эркаклар билан юрадиган аёлларни ўзингизга ўхшатманг, илтимос. Балки бу юрак сузларим сизни ранжитиб, балки дардингизга малҳам бўлар. Сизнинг фикру ҳаёлингиз фақат бойликка, айшу ишрату уйин-қулга бўлган, холос. Ҳеч қачон муҳаббатни айшу ишрат, зеб-зийнату, тақинчоқларга тенглаштирманг. Сизнинг юракларингизни муҳаббат олови эмас, балки тилла тақинчоқ, молу мулк алангаси қамраб олган. Сиз бу аланга остида қуйиб қулга бўлмоқдасиз. Сизга бунчалик мурув-

ват курсатаётган киши сизни ёруғ ҳаётга эмас, мангу қоронғулик томон етакламоқда. Сизнинг қуз олдингизга зулмат пардасини тортиб, қуёроқ сингари уянайтиб юрибди. Сизни арқонсиз асирга этиб олган. Сиз энди бу асирликдан фақатгина юрак амри-ла қутулишингиз мумкин. Келинг, бу утган даврга нуқта қўйинг-да, эрингиз ҳурматини жойига қўйиб, қолган умрингизни сизни сеvim ардоқлаб келган турмуш ўртоғингизга бахшида айланг. Бу утган даврингиз ўзингизга сир бўлиб, у кишидан бўлган фарзанд фарзандларингиз қаторида усиб улғайсин. Биламанки, у кишини унута олмайсиз. Лекин барбиров унутишга ҳаракат қилинг.

Сузим сунгиди айтмоқчиманки, эй азизлар! Муҳаббатга хиёнат қилманглар! Дунёда муҳаббат сўзи ҳеч қачон ёлғон бўлмасин. Муҳаббат ҳам она каби азиз бўлсин дейман...

АМИН, Когон

## КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

Насибанинг бу хонадонга келин бўлиб тушганига ҳафтани 7—8 ой бўлиб қолди. Дастлаб бу катта оилага, ундаги муомила-муносабат, уй юмушлари тақсимоғига қўнқолмай қўйналди. Чунки у тарбия топган уйда бор-йўғи 5 киши — ота-онаси ва уч опасингил яшашарди. Қизлар уй юмушларини ўзаро бўлишиб олишгани учунми ҳеч қандай оғирлик сезилмасди.

Келин бўлган хонадонда эса бунинг акси. 12 киши яшайдиган катта хужаликдаги уй юмушларининг деярли ҳаммасини у бажаради. Қайнонаси: «Қизлар ўқишдан чарчаб келишадилар. Бошига тушганда қилдаи ҳаммасини. Хозирча барча уй юмушлари келинпошша сизнинг вазифаингиз. Чакқон бўлсангиз ҳаммасига улгура-сиз», — дерди.

Насиба секин-аста бу шароитга мослашди. Лекин ҳомиладор бўлган тезда толиқадиган, камқон бўлиб қолди. Шундай баҳор кунларининг бирида турмуш ўртоғининг туғилган куну муносабати билан меҳмон келадиган бўлди. Ёш келинчак ҳамма ишга кетганида уйлари тозалана, меҳмонхонадаги жовон, диван, телевизор каби уй анжомларининг жойини узгартирди.

Бу ишдан кўнгли тулғач, ошхонадан турли ширинликларни пишира бошлади. Алламаҳалгача ошхонадан чиқмади. Меҳмонлар келганда ҳаммаёқ орасида, дастурхон тукин-сочин, ҳар бир таом, ширин пиширилқларда келинчакнинг нозик диди ва маҳоратини сезиш қийин эмас эди.

Эрининг туғилган кунига йилгиланларнинг ҳаммаси икки ёшга бахт-саодат тилаб, хушнудлик билан хайр-хуш қилиб уй-йиларига жўнаб кетишди.

Насиба эса яна алламаҳалгача ошхонада идмш-товокларни ювиб, жой-жойига қўйди. Бу орада сеvimли ёри неча бор:

— Наси, жоним, ҳали ҳам бўлмадингми, — деб хабар олиб кетди. Насиба эса ҳаёлан: «Таба, менинг турмуш ўртоғим бўлса, қизларга ким — ақаси-ку, қарашиб юборай ҳам дейишмайди-я», деб қўярди азбаройи чарчаб кетганидан

Бу ҳам майли-я, ҳаммадан ёмон эртаси куну содир бўлди. У нихоятда толиқадиган, ҳомиладор бўлишига қарамай узини аёб утирмай оғир нарсаларни кутарганиданими, белди ва қорнининг пастиди қўнли оғриқ пайдо бўлиб, «Тез ёрдамни» чақиршига турги келди. Касалхонада Насибанинг 3,5 ойлик ҳомиласини сақлаб қолишининг сира иложи бўлмади.

Шифокорларнинг ҳайвонли, бола уғил экан. Насиба ётган хонага оқ халатда кириб келган эри уни юпатишга ҳаракат қилиб:

— Наси, ҳафа бўлма. Ҳали бир этак болаимиз бўлади. Бу кунлар унутилиб кетади, — деди.

Минг афсуски эрининг айтгани бўлмади. Йиллар шамолдек гиз-гиз учиб утар, фарзанд кутавериб, ёш бўлишларига қарамай эр-хотинининг соңига оқ

оралади. Қариндош-уруғ йилгилан давраларда аёллар «болалардан нечта», — деб сураганларда у нима жаваб қилишни билмай, ич-ичидан зил кетар эди. Шу тахлит одамови бўлиб борар, эрининг ҳар бир яхши гапи унга кесатикдек туялар эди. Шундай бўлса ҳам ёшлиқ қилиб илб фарзандини асрай олмагани, унга, яъни келинга бўлган оиладаги қулларча муносабатини, вазиятини муътадиллаштиришга уринмагани учун турмуш ўртоғини, «келин ойинг ҳомиладор, у бу ишларда қарашиб туринглар», деб айтган қайнонасини такрор-такрор айбалавериш нарчади. Хозирги ақли ушунда бўлганда эди ҳаёти бу қадар фожеали тус олмасмиди?! Аёл киши учун дунёдаги энг оғир дард оналикни ҳис этмай кетиш эканлигини фақат бошига тушганларига билади. Армон билан яшаш, пушаймон қилишдан қура ҳар бир кун, ҳар бир лаҳзада амалга оширадиган ишларимиз қандай оқибатларга олиб келишини уйлашимиз даркор экан.

Бўлиб утган воқеани сиз қандай баҳолайсиз, азиз ўртоқлар?

М. МУҲАЙЁ

# «У ҳам ўз тенгини топса», десам...



Оналарнинг Абдулқабир

ва баландми? Расмластон!

Сизларни таваллуд айёмингиз-ла қўлаймиз! Биз балоғатга етгунча тортган заҳмату фидокорликларингиз учун Сиз муҳтарам зотлардан қарздормиз ва бир умр таъзимда-миз!

Фарзандларингиз — Кобилжон, Вазирaxon, Нодирaxon, Шукржон ва Иброҳимбек



Азиз кизимиз Муаллимхон!

Сени 10 ёшга тулишинг билан чин дилдан табриклаймиз. Доим соғ булгин!

Аданг — Абдуғани

## Маслаҳатхона

### АНАНАС ДЕЙСИЗ...

Кузнинг олтин кунларигача турли мевалардан мурabbo, қийм пишириб олган уй бекалари хотиржам бўлишса, бунга вақтида улгуролимаганларга бир маслаҳатимиз бор. Уйлаймизки бундай ширинлик оила аъзоларингизга жуда ҳам ёқиб қолади. Масалан менинг ўзим ҳам ҳар йили ана шу мурabbодан пишираман. Бунинг қулайлиги шундаки, бундай мурabbони қишда ҳам тайёрлаш мумкин.

Бунинг учун 1 килограмм лимон, 2 килограмм сабзи оласиз-да, қирғиқдан ўтказасиз. Сунг икки килограмм шакарни аралаштириб аввал 20 минут сунг, совутиб туриб, 10 минут қайнатасиз. Карabsизки ананас рангидagi (агар қизил сабзи бўлса) ажойиб шаффоф мурabbo тайёр-да. Айнакка дастурхонга қўганингизда атрофга лимоннинг хушбўй ҳиди таралиб иштаҳангизни янада очиб юборади.

Баъзи меҳмонлар бу мурabbонингизни ананаснинг узидан деб уйлашлари турган гап.

### МЕН БУНДАЙ ҚИЛАМАН...

Баъзан байрамларда ёки каттарoқ йиғиларда турли пишириллар, нонларни ортиб қолиши турган гап. Мен котиб қолган нон, ширинкулчаларни яхшилаб шамоллатиб оламан. Сунг уларни гўшмайдалагичдан ўтказаман. Кам ёки куплигига қараб шакар ара-лаштираман. Булса озорoқ сариер ёки сут, агар уйда бўлса май-из, ёнгоқ мағзини аралаштираман. Кейин сувқоғога қолбаса шак-лида ураб музхонага қўяман. Музхонада ярим соат турган олиб паррак-паррак шаклида кесиб охи билан ичиш учун дастурхонга қўйлади. Бундай тайёрланган ширинликни кичкинтойлар ҳам жу-да севиб истеъмол қилишади.

ҲАМИДА тайёрлади

Журналист халқи бошқа касб соҳибларидан кўра хавтга алоҳида бир назар билан қарайди. Атрофиди юз бераётган воқеа-ходисалар-нинг айримларидан қуйинса, айримларидан шодланади. Яқинда ёши қирқларга

ўғил уйлантирадиган, қиз уза-тадиган бўлиб қолишбди. Ёл-ғиз мендагина на фарзанд, на уй-жой бор...

Шу дугонам каби қалби ярим қизларимиз қўлаб топи-лади. Ёши ўтиб қолган қиз-ларнинг кейинги тақдири эса

## ФИКР

каби бир умр ижара уйлар-да ёлғиз яшаш азобини ҳис этиб қурганлариди шундай демаган булар эдилар. Азиз юртдошим, менинг назаримда инсон боласи

# «У ҳам ўз тенгини топса», десам...

бориб қолган дугонам уш-ларини айтиб, юрагини ту-киб солди. Мен эса унинг «дил дардларини» оқ қоғоз саҳифаларига кучириб, мақо-ламини сеvimли газетамизга бердим.

Дугонам шу ёшга қадар ҳали турмуш қурган эмас. «Яқинда мактабни битирга-нимизга 20 йил тулиши му-носабати билан синфдошлар учрашдик, — деб ҳикоя қи-лади у. — Дусларимнинг фарзандлари катта бўлиб,

мен учун бефарқ эмас.

Хуллас, шу дугонамнинг дил дардларини ёзиб чиқарди-му балога қолдим. Баъзилар «Охир замон бўлибди-да, газе-та орқали танишиб, ўзига умр йулдоши танласа», дейишса, яна кимлардир «Номини узгар-тириб берибсиз, ўзи ким?» деб сурайвериб холижонимга қуйишмасди. Мен эса ҳозир таъна тошини отаётганлар уша-утириб қолган қизнинг боши ёстиққа тегса бир пивёла чой узатармиканлар, дея уйлайман. Агар уша гапирганлар дугонам

ёшлиқда барча қийинчилик-ларни енгиб ўта олади, ле-кин қариган чоғида бир ши-рин сувга, уз яқинларининг эътиборига муҳтож бўлиб қолади. Шунинг учун ёши қирққа яқинлашганда кела-жаги ҳақида қайғуравтган дугонам тугрисида ёзиб «У ҳам ўз тенгини топса», деб унга яхшилик истасам бунинг нимаси ёмон. Ё, мен но-ҳақманми? Сиз бу ҳақда ни-ма дейсиз?!

М. САИДОВА.

## ТУШ ТАЪБИРНОМАСИ

### «ДИЛОЗОРДАН ХУДО БЕЗОР»

Бир йигитнинг онаси ўлғач уни бар-ча расм-русумларга амал қилган ҳолат-да охириги йўлга қўзатибдилар. Орадан 1—2 ой ўтгач йигитнинг тушига онаси кирибди. Икки девор орасида сиқилиб қолган эмиш. Қўлларини узатиб нуқул «ёрдам бер» деб қақирармиш.

Эртасига йигит «Онам биздан талаб-гор бўляптиларми, ахир ҳамма маъра-каларини ўтказавтган бўлса», — деб уйлабди. Шундай бўлса ҳам яна худойи қилиб ўтказибди. Орадан бир йил ўт-гач ҳам йигит онасини яна уша ҳолат-да туш қурибди. Энди онаси икки де-вор орасида сиқилган қуйи «рози бў-линглар», дер эмиш.

Йигит бу тушини хотинига айтиб, «Сен онам улимларидан аввал розилик сураганимдинг», — дебди.

Хотини бир зум жим қолди. Сунгра: «Шунча зулм ўтказган одамдан қандай қилиб рози бўлай», — деди.

Йигитнинг ҳам ёдига онаси хавтли-гида хотинини урганлари, унга туҳмат қилганлари келди. Шундай бўлса ҳам: — «Мен учун рози бўлақол. Эртага 3-4 та қушни кампирларни чақириб битта суюқ, қуюқ овқат қил. Ушаларнинг ол-дида «Она розиман. Сиз ҳам рози бў-линг», — деб айт. Зора ҳаммаси яхши бўлса», — дебди.

Келин қайнонаси ўтказган зугумлар-ни эсласа бу ишни қилгиси келмас, лекин унинг қийналаётганини уйлаган-да одамийлик юзасидан эри айтган ишларни қилиш керак, деб уйлабди.

Эртаси туш вақтига қарияларни ча-қириб, улар олдида қайнонасидан ро-зилик сурабди, ўзи ҳам ундан розили-гини айтибди.

Шундан кейин онаси йигитнинг ту-шига аянчли ҳолда кирмабди.

«Дилозордан худо безор», — дейди-лар. Дилозорнинг жазоси ҳам ёмон экан. Инсонларга фақат яхшилик қили-нг.

Бу уткинчи умрда фақат яхшилик қо-лади азиялар. Токи охиратда... Йук, йук бундан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Муҳайё МИРСАИДОВА

Пиёзли шўрва, пиёзсиз шўрвага қараганда қорин-ни камроқ дам қилади.

Пиёзнинг уруғи янчиб суртилса бадандаги доғни кетказади.

Пиёзни уч-тўрт бўлакка бўлиб соч тўкилган жойга ишқаланса жуда фойда қи-лади.

Пиёзни уруғи туз билан қўшиб ишлатилса сўгал-ларни кўпоради.

Пиёз сувини туз, газавут

## ИБН СИНО САБОҚЛАРИ

билан бирга аралаштириб, қутир-ган ит тишлаган жойга қўйилса фойда қилади.

# ПИЁЗ

Пиёзнинг суви чиркин яралар-га шимдирилса тезда тузатади.

Пиёзни тўғраб, товук ёғи би-лан аралаштиргач, оёқ кийимда шилинган, кадокланган жойга

қўйилса фойда қилади.

Гоҳо-гоҳо пиёз сувини бу-рунга уч-тўрт томчи юборилса бошни тоза қилади.

Кулоқда йиринг ва сув пай-до бўлганида иккала кулоққа пиёз суви томизилса фойда қилади.

Сер пиёзли кайнатма шўрва сариқ касалликларни тезда тузатади.

Саидмурод Саидахмад тайёрлаган.

Энг замонавий, энг чиройли, энг арзон никоҳ қўйлаклари «Снежана» салоида Истасангиз марҳамат қилинг!

Манзилимиз: Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекати, мўлжал «Саёҳат» меҳмонхонаси йўналишидаги III-ўй 68-хонадон.

Т: 67-01-41 65-33-85 42-70-42



Опамиз Сабриниссо Алибой қизи ва жаминииз Зарифгорхон Шохиржон қизи!

28 октябр кундаги қўш таваллудингиз муборак! Аллоҳдан сураймиз бахту саодат, Бахтимизга доимо бўлинг саломат.

Келинингиз — Муҳаббат, жиянингиз — Улуғбек

## «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» УГИТНОМАСИ

### НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИ

Фахрланиш учун бир умр ҳам камлик қилади. Арзимаслигини англаш учун эса бир сония кифоя.

### УМР КАРВОНИ

Умр-ҳум ортга кетаётган нав-қиронлигу, келаётган ҳассали чолдир.

Саъдина

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Матбуот тарқатувчи» акциядор-лик жамияти жа-моаси «Самарқанд почтаси» вилоят акциядорлик жа-мияти директори Аминжон Гаффо-рова вoлида мух-тарамаси

БАНО РЎЗИЕВА вафоти муносаба-ти билан чуқур таъзия изҳор эта-ди.



Қадим замонларда яшаб ўтган бир подшоинг учта қизи бўлган экан. Қулардан бир қуни қизларнинг ҳар қайсиси падаири бузрукворига ўз меҳр-муҳаббатини изҳор этибди.

— Менинг сизга бўлган меҳрим қуёш янглиғ сунмасдир, — дебди тунгич қиз.

— Меники тоғдек юксак, — дебди ўртанчиси. Кенжа қиз эса:

— Мен сизни туздек яхши қўраман, — деб айтибди. Албатта қизнинг бундай гапидан подшо бироз ранжибди. Лекин ичидигини сиртига чиқармабди. Вақтисоати келиб буйга етган қизлар бирин-кетин «учирма» қилинибди. Подшо тунгич ва ўртанча қизини бой-бадавлат қизиларга катта мол-дунё қўшиб узатибди. Устига устак қўша-қўша дангиллама иморатлар ҳам қуриб берибди. Уларнинг чиройли сузларига ишониб бор-будини сарфлабди. Бироқ негадир кенжа қизига бунақа хою-хавасни раво қўрмабди. Уни тоғу тошда қўй боқиб, зўрга қунини қурадиган оддий чўпонга турмушга чиқарибди. Унга бойлик ҳам инъом этмабди.

Орадан йиллар ўтиб, куч-қувватдан қолган подшо қизларини бир-бир зийрат қилибди. Уларнинг ўзига бўлган меҳр-муҳаббатини амалда синаб қурмоқчи бўлибди. Даставвал тунгич ва ўртанча қизлариникига борибди. Афсуслики ҳар икки фарзанди ҳам падаири бузрукворини хушламайгина қарши олишибди ва номига меҳмон қилиб қузатиб қўйибди. Меҳр-муҳаббати кучли фарзандлариникидан шу алфозда чиққан подшо кенжа қизиникига оғи тортит-тортай борибди. Қуёви билан қизи уни яхшилаб қаршилабди, ҳурмат-эҳтиром ила унингг тўрига ўтказибди. Уларни эса пойгада тиз қўчиб падаири бузрукворнинг кутлуг пойларига таъзим баҳо қилиб ўтирибдилар. Уни шунчаки меҳмон ўрнида эмас, балки ота сифатида қўчиб олиб, кунлигини хушлаш пайида бўлишибди. Подшо ўзига қурсатилган иззат — икромдан беҳад хурсанд бўлибди. Бироқ, дастурхонга тортилган турли-туман таомлардан тузук-хуруқ тановул қилолмабди. Гарчи йўлда ҳориб-толиқиб очқанига қарамай қорни тўйиб овқат емабди. Сабаби таомларга туз солинмаган экан. Қизи отасини синаш учун атайин тузсиз овқат тайёрлаган экан. Шунда подшо қизининг ақл-фаросатига қўйил қилибди ва умрининг охирига қадар у билан бирга яшаб ўтибди.

Бу ривоятни бежиз келтирмадик. Унинг замирида пурмаъно бор. Зеро, тузсиз таом таъм-сиз, маъза-матрасиз бу-

лади. «Тухум туз билан, йигит қиз билан» деган нақл ҳам бекорга айтилмаган. Дарҳақиқат туз инсоннинг кундалик эҳтиёжи учун зарур нарса, рўзғорда куп асқотадиган озиқ-овқат маҳсулотидир. Мутахассисларнинг зикр этишича, одам организмидан бир кунда 10 грамм туз талаб қилади. Шу боис тиррик мавжудот, хусусан, инсон тузсиз таомни тановул қилишга одатланмаган. Модомики, гап туз ҳақида экан, уни фақат таъм ёки маза киритувчи хом ашё си-

мйяси Эндокринология институти директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Саид Исмолов. — Шуларнинг ичиди энг куп учирайдигани буқоқ касаллигидир. Дунё аҳолиси ўртасида 3 мингта тўғма буқоқ касаллигига қалинган кишилар борлиги маълумотларда қайд этилади. Мамлакатимиз ҳудудиди буқоқнинг тарқалиш тарихи ўтган асрга бориб тақалади. 1870 — 80 йилларда бу касаллик кенг тарқалган бўлиб, чор Россияси босиб олган даврлар-

эришиш амримаҳолдир.

— Буқоқ касаллигининг олдини олишни назарда тутаясиз-да.

— Худди шундай. Касалликни даволашдан кура, уни олдини олиш афзалдир. Шу мақсадда ЮНЕСКО халқаро солиқлини сақлаш ташкилоти инсонпарварлик ёрдами сифатида 2 та махсус ускуна берди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги инсонпарварлик

йод бор. Бироқ уларнинг нархи осмонда бўлгани боис ҳар ким харид қилиб ололмайдди. Бунда тузни йодлаштиришдан арзон, қулай ва самарали усули йўқ. Бор, аммо бу давлатга жуда қимматга тушади. Масалан, республикамиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган болаларни йод моддаси билан таъминлаш учун бир йилда 40 миллион АҚШ доллари сарфлаш керак. Агар бунга ҳар бир кишининг кунга 100 микрограмм миқдорида йод истеъмол қилишини қўшсак, масаланинг нақадар мураккаб эканлиги аён бўлади-қолади.

Эндокринолог олим Саид Исмолов билан қилган узоқ мулоқотдан яна шу нарсалар аён бўлдики, ҳомиладор аёлларда йод етишмаслиги хунук оқибатларга олиб келар экан. Масалан, ҳомиланинг олти-етти ойлик даврида бу моддага кучли эҳтиёж туғилади. Агар шу даврда йод етишмаси бола миёяси яхши ривожланмайдди. Ақлан заиф ва жисмонан нимжон бола туғилишининг сабаби ҳам айнан шундандир. Муддатидан олдин кўз ёриш ёки чала туғиш ҳолатлари ҳам шунинг оқибатида келиб чиқади. Организмда йод етишмаслигини аниқлашнинг жохон таъбаотида синалган усуллари мавжуд. АҚШ ва Япония сингари ривожланган давлатларда ҳомиладор аёлларнинг оғидан қон олиб текширилади. Кейин шунга қараб даволаш мумкин. Лекин бундай усул ўз вақтида сира ҳам кечиктирилмасдан амалга оширилса фойдалидир. Акс ҳолда ҳомила 3 ойлик даврида йод етишмаслиги аниқланса ёки бундай ҳолат олти ойлик муддат ичиди маълум бўлса, ақлан заиф бола туғилиши қузатилади. Кейин уларнинг саломатлигини тиклаш мумкин эмас. Африка мамлакатларида эса буқоқ касаллигига қарши ҳар беш йилда аҳоли ўртасида эмлаш ишлари олиб борилади. Бироқ бу усул ҳам моддий жиҳатдан жуда қимматга тушади. Демак, энг афзал ва самарали усул тузни йодлаштиришдир. Лекин бу масала ҳукумат сивсати даражасига кутарилмагунча ижобий ҳал этилиши қийин. Бизнингча, бу борада махсус давлат дастури ишлаб чиқиш пайти келди. Тузларни йодлаштиришни қонун доирасида кафолатлаш керак. Ана шунда насл-насаб тоза бўлади. Биз барпо этаётган келажаги буюқ давлатнинг истиқболлини белгилувчи соғлом авлод қамолга етади. Миллат, Ватан, эл-юрт равақ топади.

К. ТОШМИРЗАЕВ

## ТУЗ, ЙОД ВА ХУРМО ЕМАГАН ОДАМ

- «Мен сизни туздек яхши қўраман», — деди кенжа қиз...
- «Тухум туз билан, йигит қиз билан», — деганларидек...
- Туз йодлаштирилмаса, оқибати хунук...
- Хурмода йод борми?
- Одам бир кунда неча грамм туз истеъмол қилади?
- Бир йилда 40 миллион АҚШ доллари керак бўлади.

фатида баҳолаш нотўғридир. Чунки, айрим ҳайвонлар учун туз иштаҳа дори ҳисобланади. Масалан, ферма ёки шахсий хонадонларда парварши қилинадиган қорамолларнинг охирига озук каторида йирик-йирик тузлар ҳам солиб қўйилади. Сабаби туз ялаган ҳайвон хурақхўр бўлиб, озук таъламайди, хулу қуруқни баробар ёйди. Емишга яраша маҳсулотни ҳам мўл-қўл бўлади.

Маълумки, туз ҳам ер ости бойлиги ҳисобланади. Тупроқ қатламлари орасидан қазиб олинди ва бу хом ашё туз қонининг ўзида ўрнатилган махсус ускуналар ёрдамида йодлаштирилади. Борди туз йодлаштирилмаса нима бўлади? — деган савол туғилиши табиий. Бунинг оқибати хунук. Жамиятга ҳам моддий, ҳам маънавий катта зарар етказилади. Бундан ташқари насл-насабни бузди, зот-зурриёдни айнайтиди. Миллатнинг этник ривожланишига салбий таъсир қурсатади ва охири-оқибатда уни таназзулга учраши ҳам ҳақиқатдир. Ваҳоланки, айна пайтда ишлаб чиқарилаётган туз таркибиди йод моддаси етишмайди. Шу боис аҳоли ўртасида турли хил касалликлар кенг тарқалмоқда. Айниқса, буқоқ касаллиги куп учирайди. Биргина Ўзбекистонда эмас, балки дунёдаги ривожланган давлатларда ҳам бундай касаллик кенг тарқалган. Жаҳон таъбаотида кундалик эҳтиёж учун истеъмол этиладиган туз таркибиди йод етишмаслиги бунга асосий сабаб қилиб қурсатишмоқда. Бизнинг тиббиёт олимларимиз ҳам ана шу фикрни қўллаб-қувватлашяпти.

— Аҳоли истеъмол учун ишлаб чиқарилаётган тузларни йодланмаслиги йигирмадан ортқ турли хил касалликларни келтириб чиқариши мумкин, — дейди Ўзбекистон Фанлар Акаде-

да янада урчиб кетган. Мамлакат аҳолисининг қарийб 60-70 фоизи шу даража қалинган. Айниқса Қўқон музофоти атрофидаги аҳоли орасида буқоқнинг куплиги қузатилади. 1970-80 йилларга қадар аҳвол шу тарзда давом этиб келади-да, кейин аста-секин қамайиб боради. Буқоққа қарши диспансерлар йўқ қилиниб, тузларни йодлаштириш эътибордан четда қолган, касаллик яна хуруж қила бошлайди.

— Саид ака, республикамиз ҳудудиди буқоқ касаллигини айна пайтда қўлайиб кетишини қандай изохлаш мумкин?

— Илгари йодланган туз, денгиз қарами каби махсулотлар Россиядан келтирилари. Шунингдек таркибиди йод моддаси бўлган дори-дармонлар болалар ва ҳомиладор аёлларга бепул тарқатилари. Эндилкида бу борадаги алоқалар узилиб қолган. Германиядан юборилган дори-дармонларнинг нархи қиммат. Уларни харид қилишга ҳаммининг ҳам қурби етмавермайди. Қолаверса, республикамиздаги мавжуд иккита туз қонидан чиқаётган тузлар йодлаштирилмаяпти. Шуларнинг хисобига буқоқ касаллиги кенг тарқалапти.

— Озиқ-овқат дўконларида йодланган туз ёрлиғи ёпиштирилган тузлар сотилапти-ку!

— Тўғри, аҳоли шундай тузларни ночор истеъмол қилмоқда. Аслида бу қўзғамачиликдан бошқа нарса эмас. Туз қони қорхоналарида эса ҳамон эскича иш юришти услуби сақланиб келинмоқда. Яъни қорхона учун биринчи навбатда режа бажарилиши керак. Миқдор кетидан қувиб, сифатга эътибор бермаслик оқибатида инсон саломатлиги учун зарарли махсулот ишлаб чиқаришдек салбий ҳолатлар ҳамон мавжуд. Токи буларни бартараф этмасдан туриб қуланган мақсадга

ёрдамни тақсимловчи махсус комиссия ўтган йилнинг декабрь ойида туз қонлариди мавжуд аҳвол ва шарт-шароитлар билан ақидан танишиб чиқишди. Ҳукумат аъзоларининг рухсати билан янги ускуналар ўрнатилди. Мана, орадан салкам бир йилча вақт ўтса ҳамки, ускуналар тулик ишлатилгани йўқ. Тузлар ҳамон йодлаштирилмапти. Озиқ-овқат дўконларида сотилаётган ёрлиқ ёпиштирилган тузлар таркибиди йод етишмаслиги ёхуд мутлақо йўқлиги қимёвий таҳлил билан исботланган. Буни инкор этиб бўлмайди.

— Организмнинг йод моддасига бўлган эҳтиёжини туздан бошқа озиқ-овқат махсулотлари эвазига қондирса бўлмайми? Айрим мутахассислар хурмо еган одам бу даража қалинмайди, дейишади. Шу ростми?

— Биласизми, хурмо мамлакатимизнинг жанубий улқасида усувчи ўсимлик. Уша ернинг иклим шароитига мослашган мевали дарахт. Аммо унинг меваси таркибиди йод моддаси бўлишидан кура бўлмаслиги қупроқ ҳақиқатга яқин. Мантиқан уйлаб қўринг. Хурмо дарахти ҳам ерда усади. Тупроқдан озук олади. Ҳолбуки, Сурхондарё вилояти ерлари таркибиди йод етишмаслиги бўйича республикамизда олдинги уринларда туради. Шундай бўлган хурмода йод қаёқдан бўлсин. Тупроқ, сув ва хаводан юқмаса қаёқдан юқади ахир. Майли, хурмода йод бор ҳам дейлик. Лекин бунинг учун одам неча кило хурмо истеъмол қилса организмнинг йодга бўлган талаби қонади. Масаланинг бу томонини ҳам бир мушоҳада қилиб қўрилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Бундан хурмо еган одам буқоқ касаллигига қалинмайди, деган фикр келиб чиқмайди, албатта. Мол қўши ва қолбаса муҳсулотларида ҳам

## ДИЛ ИЗХОРИ

## ЭҲ МУҲАББАТ, МУҲАББАТ...

Куларнинг бирида мен «У» билан танишдим. 1995 йил 7 март эди. Дугонаминг тугилган кунига қизлар билан борган эдик. Магнитофонга кассета олгани уйга қайтдим. Дарвозамиз ёнида «У» акамни қамаётган экан. Уйда акам йуқлигини билдириб, «йўқ эдилар» дея жавоб бердим. «У» эса «Ошанг бахона дийдор танима» деганларидек, — деб гап бошлади. Биз шу кунга қадар бир-биримизни танири эдик-у, лекин мен учун «У» акамнинг ошмаси». «У» учун мен «ошмасининг сингилси» эдим. Лекин шу кундан бошлаб муносабатларимиз ўзгара бошлади. «У» тез-тез келадиган бўлиб қолди. «У»-ниги уйи К. қишлоғида жойлашган бўлиб, менинг тоғам билан қушни эди, Шунингдек, мен ҳам унга ерга бориб турардим.

«У» бир кун сева изхор қилди. Мен ҳам шундай тўғриги бошдан кечираётганим. «У», яъни А. 23 ёшда, мен эса энди 17 ёшли қизалок эдим.

Ана шундай қилиб куларнинг бирида дунёдаги энг бахтли қизга айландим...

Шу алфозда ойлар, ҳатто йил ўтди. Биз муҳаббат чўққисида учардик, севаги даражисида сузиб юрардик. Бу вақт ичида А. ота-онаси уни уйламоқчи эканлигини айтди. А. эса мени ота-онамдан розилик олди учун онасини жўнатмоқчи бўлди.

Лекин, афсуски ҳаммаси бошқача бўлди. Унинг отаси, «Шаҳардан қиз олмайсан», — дебди...

«Агар уйланмасанг, сендай ўғлим йўқ», — деган отасининг қистови билан ҳамқишлоғи М. исмили бир қизга унаштирилибди. Мен булардан беҳаётар экан. Бир кун А. узи келиб шундай деди: «Дадим «Шаҳардан» дегани эди, мен уйланмайман» деб туриб олдим. Лекин: «Уйланмасанг сендай ўғлим йўқ...» деганидан кейингина рози бўлмоқдан ўзга чорам қолмади».

У 1996 йил 27 декабрда акамини туйга тақлиф қилгани келди. Уйда мен ёлғиз эдим. «Келинг» дея қўлиб олдим. У эса оғиз очарди-у гапиролмасди. Ана сукунатдан сўнг:

«Эртага ЗАГС, ичидинга туй, илтимос боринг», — деб чиқиб кетди. Оғзини очибди. Нима қилишимни билмас эдим.

Мен етишолмаган Бахтга, етишган уша М. исмили қизни қургим келарди, ҳавас билан қарарим, ҳатто қўлимдан келса уни улдиргим келарди (Шайтонга лаънатлар бўлсин).

Ва ниятга ушғ кўн келди. Борсаман, йўқми деган минг хавл билан туйга бордим.

Қўзимда ёш йўқ, лекин юрагим йилларди. Чорасиз аҳволда уларга, «Хотини Бахт» дегани эди.

Ҳавт давом тавбадоран. Улар фарзандли бўлишди, лекин Аллоҳнинг иродаси билан, тугилибди нобод бўлди. Мана орадан 3 йил ўтди.

Куларнинг бирида А. яна келди. «Хотиним билан ажрашаман, агар рози бўлсанг», — деди. Мен нима дейишни билмас эдим. Агар рози бўлсам у албатта ажрашди ва оиласи бўзилди. Мени бахтсиз қилгандек, у қизни ҳам бахтсиз қилди.

Мен унга энди ота-онам бермасликларини бахона қилдим. У эса эшитишни ҳам хоҳламади. Гарчи уни севсам ҳам, — «Сизни қургандан қўлиб ташладим, энди севолмайман. Иккинчи хотин бўлолмайман», — дея рад жавобини бердим.

У шу кетганча қайтиб келмади.

Лекин мен уни бир умр унутолмайман. Ҳаётимдаги биринчи ва ягона муҳаббатим бўлиб қолди.

Ана ҳозир ёшларда. Аллоҳ насиб этса, мен ҳам ўзга бир йигит билан турмуш қураман. Лекин энди ҳеч кимни севолмаслигимдан қурқаман. Барибир биринчи муҳаббатимчалик ҳеч кимни севмайман. Ҳар сафар унинг номини дилимда орзизиш, армон, ўқини билан тақдорланаман. Бундан кейин энди ҳеч кимни севолмайман!

Қолган бахти йиллардан нафратланаман.

Бундан ўч йил аввал қақадар БАХТЛИ қиз эдим. Лекин Аллоҳнинг иродаси билан куларнинг бирида... БАХТСИЗ ҚИЗГА айландим.

М. МАДИНА, Андижон шахри

## ОЙИМ ҚАЕРДА?

(Форс халқ эртаги)

Атиргул эндигина кузларини очган ҳам эдики, бир кичкинагина томчи унинг юзига тушибди. Томчи гул япроқларидан бирига қўнибди. Атиргул кичик томчига қараб: — «Салом!» — дебди. Томчи қалтираган қўйи у билан саломлашибди ва гулга: — «Сен узинг ким буласан?» — дебди.

— Мени танимаясанми? Мен ахир ҳамма жойга хушбўй таратувчи атиргулман-ку!

— Мен қаердаман? Осмонда бошқа томчилар билан уйнаб юрган эдим. Бирданига қора булут келиб бизга урилди. Онам-оқ булутнинг жаҳли чиқди ва улар ҳам қора булут билан жанг қилдилар. Жуда қўрқинчлик овозлар пайдо бўлди. Мен қўриб кузларимни юмиб олдим. Кузларимни очсам, сенинг ёнингданман. Ҳозир ойим қаерда? Сен ойимни қурмадингми?

— «Йўқ, ойингни қурмадим!» — деб жавоб берибди атиргул. Кичкина томчи йилгай бошлабди.

— Йилглама, ойингни барибир топамиз, — деб уни овтибди атиргул.

Атиргул атрофни яхшилаб кузатибди. Бир пайт тиллоранг камалакни қуриб қўлибди. У гулдан-гулга қўниб юрган экан. Уни қақриб:

— Сен кичкина томчининг ойисини қурмадингми? — дебди. Камалак унга: — «Йўқ!» — деб жавоб берибди. Кейин қанот қўқиб учибди.

Асалари ҳам ўз ойиси билан боғни айлиниб юришган экан. Атиргул уларга ҳам уша саволини берибди. Улар ҳам томчининг ойисини қурмадик, дейишибди.

Кейин ҳонқизини қуришибди. У ҳам ҳаво иссиқ бўлгани учун гуллардан-гулларга қўниб, уларнинг ширин болларидан тотиб юрган экан. Улар ҳонқизидан ҳам сурашибди.

Хонқизи ҳам уларга — «Билмайман!» — деб жавоб берибди. Кичкина томчи уқиниб йилгабди. Офтоббойим осмоннинг ўртасида айлиниб юрган экан. Кичкина томчининг йиллаган овозини эшитибди. Богдаги дарахтларни, гулларни ва томчини унинггикимли нурлари билан иситибди. Томчига қараб: — «Томчивой, нега йилгайсан?» — дебди.

— Ойисини йўқотиб қўйган, шунинг учун йилгайпти, — унинг урнига жавоб берибди атиргул.

Офтоббойим жилмайиб, унга далда берибди:

— Сенинг ойинг осмонда! У ҳам сени қидириб юргандир. Мен билан юрсанг, ойингнинг олдида олиб бораман!

Кичкина томчи хурсандлигидан қичқириб юборибди. Атиргулнинг юзидан ўпиб, у билан хайрлашибди. Томчи қушнинг қанотига ўтириб, секин-секин осмонга қутарилибди.

Ойиси уни қуриши билан бағрига босибди. Хурсандлигидан боласини тўйиб-тўйиб ўпибди.

Баҳриддин Турғунов

таржамаси

«Ижод уйи-да бир адиб иккинчидан сурди:  
— Ҳозир нима қилаясан?  
— Хотиралар ёзаялман.  
— Дуруст. Мендан 300 сўм қарз олган жойингга келмадингми ҳали?»

Бир кун афанди бир шаҳарга борса, шаҳарнинг аксарият жойларида одамлар тупланишиб, янги чиққан бўла қараб туришган экан. Шунда Афанди уларга қараб дебди:

— Сизлар жуда назари па-ст одамлар экансизлар, бизнинг шаҳардаги одамлар ара-ваннинг гилдирағидай қатта ой бўлса ҳам қарашмайди.

Афанди ишсиз юрар экан. Хотини дебди:

ХАНДАЛАР

— Эй Афандим, сиз ҳам бошқа эркаклардай куп вақт кучада қуриб, уйга камроқ кирсангиз?

Афанди «хуп» дебди-да ли-босларини кийиб, кучага чиқиб кетибди. Шу кетганда 4-5 кун юргандан сўнг бегона бир одамга йўлиқиб қолди:

— Биродар, саволибг учун мушкулларни осон қилсангиз...

— Бахайр, Афандим, баён қилинг.

Мени уйимга бориб, хотинимдан суранг-чи, ушбу юрганни киймакми ейинки яна юраймикин?

Бир киши Афандини мас-хара қилимоқ ниятида сурабди:

— Афандим, ой янги бўл-ганда эски ойни нима қилур-лар?

— Суратинга боқсам, одамга ўхшайсану, ҳуқуқинг ақличалик ҳам ақлинг йўқ экан-да. Шунинг билмайсан-ми, ҳар одам янги ой тугил-ганда эски ойни узиб, юлдуз қиладилар.

С. Бобомуронова

тайёрлади

## (Боши ўтган сонларда)

У ҳам бўлса, ҳозир хорижда қўйётган қизчаси ҳам аслида узиники эмас, узоқ йиллар давомида бефарзандлик туғайли чеккан азоб-уқубатларининг оқибати уларок, эр-хотин уч ойлик чақалоқни минг бир истиҳоло, қурқув ва ҳадик билан турғурхонадан қобиб олишган эди. Бунинг биров билар, биров билмас, лекин Азизбеков ҳаммаша худди бу сирдан ҳамма воқифу, лекин тевағаригади одамлар бунингдан ашириб, сир тўтиб, гўё сездирамслик-ка уринишавтгандек туюлар, ҳаммаша маҳзун сир тўтиб, гўё сездирамслик-ка уринишавтгандек туюлар, ҳаммаша маҳзун кайфиятда, маънос киефада юришининг асл сабаби ҳам шунда эди. Лекин Азизбеков бу нарсани ҳа-то ўзидан ҳам яширишга уринар, шу боисдан ҳам бошқалар назарида ха-ммиша ута оғир ва босик, ута камгап ва камтарин қуринар, бошқачароқ айтадиган бўлсак, унинг дангиллама ҳовли-жой қурдириши, ярим тунга қа-дар ишхонасида мук тушиб ўтириб ишлаши ҳам, бошқалар уйлагандек оилапарварлик ва ёки ўз ишига, масъ-ули вазиасига сароқат ва фидойилик эмас, балки ўз-ўзини қалғитиш, ову-тиш, вақтни ўтказиш. ҳаёлини банд этувчи гамгин уйлардан қочишдан бўлак нарса эмас эди. Яна ҳам очик-роқ айтиладиган бўлса, Азизбеков

битта фарзанд қуриш учун эришган барча нарсаларидан, мансабю, илмий даражаси, унвону мукофотлари, бойли-гу мол-мулкидан, ҳамма-ҳаммасидан кечиб юборишга ҳам тайёр эди. Кун-гил кузгусига урнашиб қолган ҳаёлий бир манзара ўқтин-ўқтин кўз олдига гавдаланар ва ҳар сафар хонумонини уртаб ташларди.

Ана у! ...Қучоғида бир даста гул турғу-хона зиналаридан «шошилиб кутари-либ бораёпти. Ҳаяжондан ҳаприқади,

дам бу билан хотинининг қон резус-лари унчалик мос эмаслигини, бошқа айлга уйланишини маслаҳат берган, аммо уша кезлари эндигина мансаб пиллапоаяларидан дадил қутарилиб ке-лаётган кечагина фан номзоди илмий даражасини олиб, масъули вазиасига тайинланган ва номи Халқ депутатли-гига мулжалланавтган Азизбеков эри-шавтган нарсаларидан арзиманган маса-ла, хусусан «хотини билан ажрашибди» деган хунук гап-суз туғайли маҳрум

Эркин УСМОНОВ

## А Ж А Л Х И Ё Б О Н И

(Саргузашт-мистик қисса)

юрагининг куксини ёриб чиққудек гур-силлаб уришини худди бутун олам эшитиб тургандек... Ана у! ...Титраб турган қўллари билан ойнаванд эшик-ни очади. Рупарасида ёшгина оқ ха-латли ҳамшира пайдо бўлади. Унга жилмаяди. «Қизчалок... йўқ ўғиллик бўлдингиз», дейди. Азизбеков эса беихтиёр қўлидаги гулларни унинг бо-ши тепасидан сочиб юборади...»

Аслидаку, бу ҳаёл ҳақиқатга айла-ни-ши мумкин эди. Таниш шифокорлар-дан бири унга йигирма йилча муқад-

булиб қолишдан қўчиган, тўғрироғи бунинг истамган эди.

Мана энди ҳар қанча афсусланмасин фойдаси йўқ.

Боз устига онасининг кузлари хира-лашиб ярим йилдан бери қўрмай қол-гани юрагини уртар, лекин бунинг илож-имкомини топаолмасди.

Шунақа пайтларда узини шунчалар оғир ва нотавон ҳис қилардики, қуя-верасиз... Баъзан уйқуси қочиб, тонг қоронғусида сачраб уйғониб кетар ва шартта машинасини миниб ўзи туги-

либ-ўсган олис тоғ қишлоғига кетиб қолгиси, Яққақо қирларда думалаб, кук юзида сузиб юрган оқ, оппоқ бў-лутларни, вальфажр айтиб чарх урган айриқанот қалдирғочларни соатлаб томоша қилиб ётгиси, бошини кум қук майсаларга бурқаб хунграб-хун-граб йилгаси ёхуд бололик ўртоқла-ри билан сой соҳилидаги чойхонада улфатчилик қилиб, тўйиб-тўйиб ароқ ичгиси, ҳасратлашгиси, лоақал би-рикки кун бўлса ҳам яна уша беғубор, беармон қўнларига қайтиб қолгиси келарди.

Таассуфки, бунинг ҳам иложи йўқ эди. Ишдан, ишхонасидан бир кун туғул, бирон соат ҳам ортмасди. Ту-ман янги, лекин ташвишларию муам-молари азалий эди. Янги қурилмиш керак-ноқерак турфа хил талбирлару минг бир хил ташкилотлар ва муас-сасаларнинг битмас-туганмас муам-моларига унинг зиммасида эди...

Азизбеков шу тобда дараза ёни-да қўллариини қовуштирганча ана шундай аламангиз ҳавалар оғушида уйга толиб тураркан, хонадаги узун столнинг икки четида узига бирмун-ча ҳайроналик ва таажуб билан ти-клиб ўтирган одамларга зимдан ра-зм солдики, беихтиёр сергақланди. Ва шу сонияда ҳаёлидан кечган, бир неча кундан бери тинчини олиб, ха-ловатини бузган ноҳуш фикрдан юра-ги увушиб кетди.

(Давоми бор)

Муассисларимиз:  
Ўзбекистон Республикаси  
Хотин-қизлар қўмитаси,  
Болалар жамғармаси ва  
«Соғлом авлод учун» Халқаро  
хайрия жамғармаси

Шиориимиз:

Оила - жамият фахри

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

Телефонлар :  
Бош муҳаррир - 133-28-20  
Котибият - 34-86-91  
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ  
Тошкент- 700000,  
Амир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.  
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35.  
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий  
«Матбуот тарқатувчи»  
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176  
ташкilotлар учун 177  
Руйхатга олиш № 33  
Буюртма ГР-0424  
21317 нусхада чоп этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.  
Чоршанба кўнлари чиқади.  
Баҳоси эркин нархда.  
Навбатчи Комил ТОШ